ЖУРНАЛИСТЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

# ИЖОДГА ТАЛАБЧАНЛИКНИ ОШИРАЙЛИК

19 декабрь куни Бухоро ва Самарқанд областлари журналистлар ташкилотларининг ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтди. Қилинган ишларнинг якунлари ҳамда КПСС XXVII съезди талаблари асосида оммавий ахборот ва пропаганда воситалари ходимларининг вазифалари муҳокама қилинди. Журналистлар ташкилотлари правлениеларининг раислари: Бухорода — А. Т. Ниёзмуродов, Самарқандда — М. Н. Нуриддинов доклад қилдилар.

Ҳозирги кунда журналистлар республика хўжалик ва ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида содир бўлаётган қайта қуриш жараёнига актив кўмаклаша бориб, биринчи навбатда ўз ишларини қайта қуришлари, ўзларига, ўз ижодларига нисбатан талабчанликни оширишлари зарурлиги конференцияларда айтиб ўтилди. Бироқ ижодий коллективлар ишининг услуби, форма ва методларида ҳозирча ўзгаришлар суст рўй бермоқда. Газеталарнинг саҳифаларида, радиоэшиттиришларда проблемали, таҳлилий материаллар кўпроқ берилмоқда, аммо баъзида социал таҳлил ўрнига фактларни санаб ўтиш билан чекланилаётган мақолалар ҳам эълон қилинмоқда. Фикрлашдаги қолоқлик ва бир хилликка қарши жиддий кураш олиб бориш зарур. Бу эса журналистлар ташкилотларининг кундалик вазифаси бўлиб қолиши керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида уқтириб ўтилганидек, дейишди нотиқлар, оммавий ахборот воситалари ишидаги камчиликларни бартараф этиш учун ижодий союз область бўлинмалари фаолиятини активлаштириш, кадрларнинг профессионал ўсишига бутун чоралар билан кўмаклашиш, уларнинг меҳнати ва дам олиши учун қулай шароитларни яратиш, редакцияларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш лозим. Область ва район газеталарининг полиграфия базасини янада ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ишчи ва қишлоқ мухбирлари билан олиб бориладиган ишларни янада юксак даражага кўтариш керак. Областлар журналистлар ташкилотларининг ишидаги камчиликларни тезроқ бартараф этишга, идеология иши самарадорлигини оширишга ижодий ходимлар қўшадиган ҳиссани кўпайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси белгиланди.

Самарқанддаги конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева нутқ сўзлади.

Конференция ишида Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Ашуралиев қатнашди.

Бухородаги конференцияда Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари Ю. В. Курочкин нутқ сўзлади.

Конференцияларда областлар журналистлар ташкилотлари раҳбар органларининг янги составлари ва Ўзбекистон Журналистлар союзининг съездига делегатлар сайланди.

(ЎзТАГ).

# ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ — ХАЛҚ ХИЗМАТИГА

Кўмир ва нефть, газ ва олтин, мис ва рух, мармар ва фосфоритлар — ер остидаги ана шу бойликларнинг ҳаммасини Ўзбекистон геологлари қидириб топиб, саноат йўли билан фойдаланишга тақдим этдилар. Геологларнинг машаққатли, фидокорона меҳнати билан кўп тармоқли қудратли индустрияни яратишга имкон берган хом ашё базаси вужудга келтирилди. Шу кунларда республика жамоатчилиги 1926 йилда асос солинган Ўзбекистон геология хизматининг 60 йиллигини нишонламоқда. 19 декабрь куни Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ана шу шонли санага бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда республика геология министри Т. Ш. Шоёқубов доклад қилди.

Фойдали қазилмаларнинг турли-туманлиги, разведка қилинган конларнинг сони жиҳатдан Ўзбекистон Совет Иттифоқининг жуда истиқболли районлари қаторига киради. Тармоқ меҳнаткашлари Мушкетов, Северцов, Ферсман ҳамда Ватанимиз геология фанининг бошқа атоқли арбоблари асос солган анъаналарни муносиб тарзда давом эттирмоқдалар. Регионда минерал хом ашёнинг 92 тури аниқланди, 700 дан кўпроқ кон разведка қилинди. Шуларнинг запаслари негизида 400 га яқин йирик саноат корхонаси ишлаб турибди, булар орасида Олмалиқ конметаллургия комбинати, Газли ва Шўртан газ конлари, Муборак газни қайта ишлаш заводи бор.

Эндиликда Ўзбекистондаги геология ташкилотлари қудратли илмий-ишлаб чиқариш комплекси бўлиб, бу тармоқда неча ўн минглаб киши ишламоқда. Улар орасида таниқли олимлар, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти лауреатлари бор. Тармоқ меҳнаткашлари ихтиёрида илғор техника, қидириш ва разведка ишларининг прогрессив методлари, космонавтикадан тортиб паленонтологиягача бир қанча турдош тармоқлар ютуқлари бор.

Имкониятлар кўпайганлиги самаранинг ҳам юқори бўлишини талаб этмоқда, деб таъкидланди тантанали йиғилишда. Ўзбекистон геологлари разведка сифатини ошириш борасида янада аниқ мақсадни кўзлаб ишлашлари, минерал хом ашёнинг ноанъанавий турларини қидиришни кучайтиришлари, фан-техника тараққиёти ютуқларини кенгроқ қўллашлари керак.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари А. С. Икромов, СССР геология министрининг ўринбосари А. И. Бабиков иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

# дунё воқеалари

# ВКП СЪЕЗДИ ЁПИЛДИ

ХАНОЙ. 18 декабрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Вьетнам Коммунистик партиясининг VI съезди бугун бу ерда ўз ишини тамомлади.

Тўрт кун мобайнида республикадаги барча вилоятлар ва шаҳарлар партия ташкилотларидан сайланган делегатлар ВКП Марказий Комитети Сиёсий докладини, мамлакатни 1986 — 1990 йилларда социал-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини муҳокама қилдилар. Партия Уставидаги ўзгаришлар тасдиқланди.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Е. К. Лигачев бошчилигидаги КПСС делегацияси, бошқа қардош партияларнинг, миллий-озодлик ҳаракатларининг делегациялари иштирок этдилар.

Якунловчи мажлисда ВКП Марказий Комитетининг съездга Сиёсий докладини, шу беш йилликда халқ хўжалигини ривожлантириш программасини маъқулловчи резолюциялар қабул қилинди. Марказий Комитет сайловлари якунлари эълон қилинди, Марказий Комитетга 173 киши кирди.

Марказий Комитетнинг биринчи пленумида Нгуен Ван Линь Вьетнам Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайланди. Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ва секретариати ҳам сайланди.

Нгуен Ван Линь Вьетнам коммунистларининг анжуманини ёпа туриб, съезд актив ва ғайрат билан, партия ва халқ олдидаги юксак масъулият руҳида ишлаганлигини таъкидлади. Съезд ВКП Марказий Комитетининг Сиёсий докладида ва бошқа ҳужжатларда ўз ифодасини топган қарашлар ҳамда йўл-йўриқлар билан батамом якдил эканлигини изҳор этди. Аҳволни ўзгартиришга, мамлакат олдида турган қийинчиликларни бартараф этишга, Вьетнамнинг муваффақиятли олға силжишга қаратилган муҳим резолюциялар якдиллик билан қабул қилинди. Съездда изҳор этилган тўла якдиллик бу анжуман партия ва бутун халқнинг ишончини, уларнинг ВКП раҳбарлик фаолиятини янгилашга интилишини оқлади, деб қувонч билан айтишга имкон беради.

Партия Марказий Комитетининг янги состави сайловлари Вьетнам революцияси ҳозир бошидан кечираётган босқичга мувофиқ тарзда партия раҳбарлигини қатъий янгилаш учун зарур бўлган давомийликни ўзида мужассам этади. Съезд делегатлари Чионг Тинь, Фам Ван Донг ва Ле Дик Тхо ўртоқларнинг Марказий Комитет сайловларида уларнинг номзодларини кўрсатмаслик тўғрисидаги илтимосларини қондирди ва уларга ВКП Марказий Комитети ҳамда Марказий Комитет Сиёсий бюросининг маслаҳатчилари бўлишни топширди. Партия ва халқ бу ўртоқларнинг жуда катта хизматларини юксак қадрлайди, уларнинг фаолияти революция ва коммунизм ишига сидқидилдан ва ҳалол хизмат қилишнинг намунасидир.

ВКП Марказий Комитети съезд ўз зиммасига юклаган катта масъулиятни аниқ ҳис этиб, ўзининг бутун кучини съезд қарорларини муваффақиятли бажариш ишига сарфлашга ваъда беради.

Съезд минбаридан бутун Вьетнамга дўстларимиз ва қардошларимизнинг овози янгради. Чет эллик меҳмонлар ВСР коммунистларига ва халқига Ер юзида тинчлик ва революция таянчи бўлган улуғ Совет Иттифоқининг, биз билан бузилмас алоқада бўлган Лаос ва Кампучия, бошқа қардош социализм мамлакатларининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг, Ер юзидаги барча дўстларимизнинг самимий дўстлик, ишонч ва қудратли қўллаб-қувватловчи туйғуларини изҳор этдилар. Биз ана шу туйғулар учун самимий ташаккур изҳор этамиз, съезднинг муваффақиятли ишлаши учун қимматли ҳисса қўшган чет эл делегацияларидан миннатдормиз.

ВКП VI съезди сиёсий мафкуравий ва ташкилий жиҳатдан партия раҳбарлигининг давомийлиги ва янгиланиши жараёнида муҳим ўзгаришларни бошлаб берди. Съезднинг муваффақияти партия билан халқ жипслиги ва бирлигини янада мустаҳкамлаш учун жуда ҳам муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Олдимизда кўп қийинчиликлар ва синовлар турибди, уларни бартараф этмоқ учун катта куч-ғайрат сарфлаш зарур бўлади. Съезд ишига хос бўлган жипслик ва янгиланиш руҳига амал қилиб, бизнинг партия анжуманимиз илгари сурган мақсадлар — социал иқтисодий аҳволни ҳар томонлама барқарорлаштириш, социалистик индустриаллаштиришга бундан буён шарт-шароит яратиш учун бутун куч-ғайратларни сарфламоқ зарур. Бизнинг олға қараб ҳаракат қилишимизга ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди, деди пировардида ВКП Марказий Комитетининг Бош секретари.

Съезд ёпилиш чоғида «Интернационал» ижро этилди.

**М. КАЛМИКОВ, И. МАСЛЕННИКОВ, А. НИЗОМУТДИНОВ.**

# ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ФАРҒОНА, 19 ноябрь. (ЎзТАГ). Бугун халқ депутатлари Фарғона область Советининг сессияси бўлиб ўтди. Областни 1987 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш плани ва маҳаллий бюджет тасдиқланди. Бу йилги план бажарилиши ва 1985 йилги маҳаллий бюджетнинг ижроси ҳақида қарорлар қабул қилинди.

Депутатлар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари» тўғрисидаги қарорининг бажарилиши юзасидан область совет ва хўжалик органларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Область Совети ижроия комитетининг қилинган иш тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Сессияда Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Х. Умаров нутқ сўзлади.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. В. Сударенков қатнашди.

# Совет кишиси учун

## ЯНГИЧА ХИЗМАТ

**Фарғона ва Марғилондаги ўн бешта энг катта саноат корхонасининг меҳнаткашлари эндиликда меҳнат отпускалари арафасида темир йўл билетларини харид этишга вақт кетказиб юрмайдилар. Улар ўз касаба союз комитетларига ариза ёзиб борадиган жойлари ва кунларини кўрсатсалар кифоя.**

Марғилон темир йўл вокзали пассажирлар оқими жиҳатидан республикада энг тиғиз вокзаллардан бири ҳисобланади. Одамлар билет сотиб олиш учун бир неча соатлаб туриб қолардилар. Марғилон шойи комбинати ҳамда Фарғона тўқимачилик комбинати касаба союз комитетларининг, «Фергананефтеоргсинтез» касаба союз бирлашмаси, бошқа корхоналарнинг таклифларига биноан сайёр кассирлар группасини тузишга қарор қилинди. Беш ходимдан ҳар бирига учтадан объект бириктириб қўйилди.

Масалан, Табассум Авазбекова «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасига ҳафтасига икки марта келиб туради. Бу ерда у ҳеч бир тўполонсиз, асаб бузишларсиз кунига юзтадан билет ёзиб беради. Фарғона тўқимачиларига хизмат кўрсатувчи кассир Муҳаббат Халилова ҳам тахминан шунча мижозга хизмат қилмоқда.

Темир йўл билетларини сотишнинг бу янги шакли салмоқли иқтисодий самара берди. Коллектив пассажирлар жўнатиш йиллик планини бажариб бўлди, билет кассалари ёнида навбатда турувчилар сони камайди, янги йил арафасида сайёр кассирларнинг иши кўпайиб қолади. Оталиқдаги корхоналарнинг минглаб ишчилари байрам кунлари касаба союз йўлланмалари билан Тошкент, Бухоро, Хива, Самарқандга жўнаб кетадилар.

(ЎзТАГ мухбири).
Фарғона области.

## ҚУЛАЙЛИК

**Термиздаги 2510-автоколонна дарвозаси яқинида очилган озиқ-овқат магазинининг дастлабки харидорлари корхона шофёрлари ва ремонтчилари бўлишди.**

Магазин шаҳар савдо бўлимига қарашли бўлса-да автомобилчилар уни ўзлариники деб билишади. Автокорхона ходимларининг кўпчилиги ишдан бўш вақтларида магазин қурилишида иштирок этдилар.

Автоколонна коллективи кадрлар қўнимсизлигига барҳам берилганлиги жиҳатидан областда олдинги ўринда туради. Бу кўп жиҳатдан корхона маъмурияти ва касаба союз комитетининг меҳнаткашларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилаётганлиги натижасидир. Автоколонна территориясида Термиз шаҳрида энг яхши ишчилар ошхонаси, чойхона, сартарошхона жойлашган. Медицина пункти энг янги аппаратлар билан жиҳозланган. Бу ерда даволаш душхонаси бор.

Мана шу объектларнинг ҳаммасини корхона ишчиларининг ўзлари қуришди.

(ЎзТАГ мухбири).

**Қорамолларда учрайдиган тейлериоз касаллигига қарши юксак самарали вакцинанинг биологик технологиясини ишлаб чиққанликлари ва амалиётга жорий этганликлари учун бир гуруҳ олимлар яқинда СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган эдилар. Улар орасида Қорақалпоғистон Автоном Республикаси ветеринария лабораториясининг директори Александр Михайлович Солдатченко ҳам бор.**

**Эндиликда мазкур вакцинанинг қўлланилиши давлатимизга катта фойда келтирмоқда.**

**СУРАТДА: А. Солдатченко.**

**М. ЕЛЕУСИНОВ фотоси (ЎзТАГ).**



# СТАРТ ИЮЛЬ ОХИРИДА БЎЛАДИ

Совет — Сурия космик учиши учун танлаб олинган Суриянинг икки учувчиси космонавтлар тайёрлаш марказида назарий машғулотлар курсини ўтаб бўлдилар. Улар янги йилдан бошлаб асосий ва иккинчи экипажлар составида экспедицияга тайёргарликни бошлайдилар. 18 декабрь куни СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот конференцияси тайёргарликнинг ана шу якунловчи босқичига бағишланди.

Космонавтлар тайёрлаш маркази бошлиғининг ўринбосари А. Леонов журналистларга экипажларни таништирди. Подполковник А. Викторенко биринчи экипажнинг командири қилиб, СССРнинг космонавт-учувчиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Александров борт-инженер, Сурия ҳарбий-ҳаво кучларининг подполковниги М. Фарис тадқиқотчи-космонавт қилиб тайинландилар. Иккинчи экипаж қуйидаги составда ишлайди: командир — подполковник А. Соловьев, борт инженер — СССРнинг космонавт-учувчиси икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. Савиних, тадқиқотчи-космонавт — Сурия ҳарбий-ҳаво кучларининг подполковниги М. Хабиб. Старт келаси йил июль ойининг охирига мўлжаллантан.

Матбуот конференциясида учиш раҳбари В. Рюминнинг маълум қилишича, ҳафталик экспедиция программасида табиатшунослик, геофизик, технологик, медицина экспериментларига сероб программани тайёрлашда, шунингдек аппаратларни ишлаб чиқишда Совет Иттифоқи ва Сурия мутахассислари қатнашмоқдалар. Совет — Сурия экипажи ишлайдиган «Мир» станцияси сари келаси йил бошларида асосий совет экипажи старт олади. Халқаро экспедиция қабул қилингунга қадар у асосан ихтисослашган астрофизик модулда ишлайди, бу модул «Мир» станциясига туташтирилади.

Сириялик учувчилар Звездний шаҳарчасидаги ҳаётлари ва ишлари тўғрисида журналистларга гапириб бердилар, космонавтлар тайёрлаш марказининг мутахассисларига миннатдорчилик билдирдилар. СССР ва Сурия Араб Республикасининг байроқлари остида олимлар, мутахассислар ва космонавтларнинг келгусида биргаликда бажарадиган ишлари мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлиб қолади, дейишди улар. (ТАСС).

«Нью-Йорк таймс» «Эронгейт» тўғрисида

# ОҚ УЙНИНГ КИРДИКОРЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК. Вашингтонда Америка қурол-яроғининг Эронга маҳфий етказиб берилганлиги ва ундан тушган маблағнинг Никарагуа контраслари ихтиёрига топширилганлиги атрофидаги сиёсий жанжал натижаларидан бири американикларнинг ўз ҳукуматига ишончи муттасил сусайиб бориши бўлди. «Нью-Йорк таймс» газетаси Си-Би-Эс телекомпанияси билан биргаликда жамоатчилик фикрини навбатдаги сўраб билиш натижасида бу сўровнинг қатнашчиларидан 53 проценти «Рейган ўтказаётган ташқи сиёсатни маъқулламасликлари» маълум бўлди. Сўнгги икки ҳафта мобайнида «Рональд Рейган ижтимоий ҳаётдаги бошқа кўп кишиларга қараганда ҳалолроқдир» деб ҳисобловчи американикларнинг салмоғи 59 процентдан 50 процентга тушиб қолди. «Жамоатчилик фикрини сўнгги бор сўраб билиш, унинг натижалари, деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси, — шундан далолат бериб турибдики американикларнинг қарийб ярми қурол-яроғ етказиб бериш юзасидан Эрон — Никарагуа операцияси тўғрисида унга бирон-бир нарса маълумлигини инкор этганида президент ёлғон гапирди, деб ҳисобламоқдалар.

ВАШИНГТОН. Оқ уйнинг тутуруқсиз позицияси сабабли Капитолий тепалигида ўтказилаётган «Эронгейт» операциясини тергов қилиш аслида жойидан силжимаяпти. Разведка бўйича махсус сенат комитетида қарийб 5 соат давом этган муҳокама ҳам аслида ҳеч қандай натижа бермади. Бу ерда Оқ уй ходимлари аппарати бошлиғи Дональд Риган саволларга жавоб берган эди. Айтишларича, Д. Риган Эрон операциясининг бош раҳбарларидан бири бўлган. Эй-Би-Си телекомпаниясининг хабарига кўра, Д. Риган ўзига ҳам, президентга ҳам Никарагуа контрасларига маблағлар ўтказилаётгани ҳақида ҳеч нарса маълум эмас эди, деб тасдиқлаган. Демократлар партиясидан сайланган сенат аъзоси Деннис Деконсини бу гаплар «ҳақиқатга тўғри келмайди» деди.

Сенатда махсус комиссия тузилди. У ана шу ишни мустақил тергов қилиш билан шуғулланади. Бу комиссия раиси демократлар партиясидан сайланган сенат аъзоси Дэниэл Иноуэй ўз вақтида «Уотергейт жанжали»ни текширган сенат комиссияси составига кирган эди.

Оқ уйда миллий хавфсизлик кенгашидаги янги истеъфолар ҳақида эълон қилинди. Жумладан, март ойида миллий хавфсизлик кенгашининг ҳарбий-сиёсий ишлар бўйича бўлими бошлиғи Говард Тейчер ўз лавозимини тарк этади. Тейчер Эрон операциясининг бевосита раҳбари, илгари ишдан бўшатилган подполковник Нортнинг бошлиғи эди. Ҳозир маъмурият ҳамма айбни Нортга юклашга уринмоқда. АП агентлиги Тейчерни «Эронга қурол-яроғ етказиб бериш учун тузилган маҳфий режанинг меъмори» деб атамоқда. У яқинда «Эронгейт» сабабли истеъфога чиққан президентнинг миллий хавфсизлик бўйича собиқ ўринбосари Жон Пойндекстердан бевосита фармойишлар олиб турган. Миллий хавфсизлик кенгашининг ижрочи секретари ва миллий хавфсизлик бўйича президент ёрдамчисининг ўринбосари Родни Макдэниел ҳам Оқ уйни тарк этади.

(ТАСС).

дунё воқеалари

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: МАТБУОТГА РАҲБАРЛИК

# ТАЛАБ ҲАМ, ЁРДАМ ҲАМ БЎЛМАГАЧ...

Бўзатов район газетаси «Ылғаллы мийнет» («Зарбдор меҳнат») — Қорақалпоғистон Автоном Республикасидаги кенжа газеталардан бири. Унинг биринчи сони чиққанига эндигина икки йил бўляпти. Газета дастлабки кунданоқ район меҳнаткашларининг диққат-эътиборини тортди. Газетхонлар унинг саҳифаларида район ҳаётига доир қизиқарли материалларни ўқийдиган бўлдилар.

Район асосан чорвачиликка ихтисослашган. Шу сабабли газета бу муҳим тармоқни ривожлантиришга меҳнаткашларни сафарбар этувчи ташкилотчи сифатида яхши ишлар қиляпти. Хўжалик раҳбарлари, бўлим ва бригада бошлиқлари, мутахассислар, чорвадорлар, жамоатчи мухбирларга газета саҳифаларидан кенг ўрин берилди. Энг муҳими, илғор тажрибаларни оммалаштиришда, турмушдаги камчиликларни рўй-рост очиб ташлашда газета муайян роль ўйнаяпти.

Бироқ кейинги пайтларда газета саҳифаларида қизиқиб ўқиладиган, муҳим проблемалар кўтарилган мақолалар камдан-кам ёритиладиган бўлиб қолди. 1986 йил бошидан шу кунгача чиққан газета таҳламаларини варақлар экансиз, ишнинг аҳволи чуқур таҳлил қилинмаган, ғиж-ғиж рақамлар билан тўлдирилган юзаки ва сийқа материалларни кўплаб учратасиз. Газетанинг шу йил 4 март сонида район партия комитети маъқуллаган «Ўн меҳнат илғорининг район чорвадорларига, деҳқонларига, механизаторларига, ем-хашак тайёрловчи меҳнаткашларига очиқ хати» босилиб чиқди. Унда ушбу ташаббускор ишлаб чиқариш илғорларининг ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида ўз зиммаларига ҳар юз бош сигирдан 80 тадан бузоқ олиш, гўштга топшириладиган қорамолларнинг тирик вазнини 310 килограммга етказиш, ҳар гектар майдондан 100 центнердан беда пичани олиш, 250 центнердан силосбоп маккажўхори етиштириш мажбуриятини олиб ишлаётганлиги ҳақида гап боради. Кўриниб турибдики, район хўжаликларида ўз шароитларига нисбатан яхши ташаббус бошланган.

Бироқ редакция бу ташаббусни оммалаштириш йўлларини қидирмади. Фақат газетанинг 9 май сонида ана шу ташаббус изидан «Қорақалпоқ» совхозининг чорвадори А. Матжоновнинг «Масъулиятни ошириб» сарлавҳали мақоласи берилди, холос. Мақола юзаки ёзилган. Автор унда ташаббусга қўшилганлигини ва планга қўшимча 5 та бузоқ олиш учун курашаётганлигини айтган. Аммо у хўжалик олдида турган муаммолар ҳақида бирор сўз демаган. Газета ҳам мана шу биргина чиқиш билан кифояланиб қўя қолди. Шу тариқа ўзи бошлаган ташаббусни сусайтириб қўйди.

Газета район партия комитетининг асосий таянчи — бошланғич, цех партия ташкилотлари, партия группаларининг фаолиятини ҳам изчил ёритиб бораётгани йўқ. «Партия турмуши» рубрикаси деярли кўринмайди. Йил давомида шу рубрика остида атиги 2—3 та корреспонденция бериш билан чекланилган. Шулардан бири — «Қорақалпоқ» совхози партия комитети секретари С. Турсунбековнинг «Халқ назоратига партиявий раҳбарлик» сарлавҳали мақоласи газетанинг 5 июнь сонида берилди. Бироқ унда меҳнатга янгича муносабат, муҳим жамоат ташкилотига партиявий раҳбарликнинг янгича усул ва услублари тўғрисида ҳеч гап айтилмаган. Халқ контроли гурппаси ва постларининг фаолияти таҳлил қилинмаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми идеологик, оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришда партия комитетларига яқиндан ёрдам бериш маҳаллий матбуот органларининг бурчи эканлигини алоҳида таъкидлади. Бироқ «Ылғаллы мийнет» газетаси бу соҳада ҳам оқсаб қолмоқда. Айниқса меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш мавзуидаги ҳужумкор, ўткир материаллар етишмаяпти. Бунинг ўрнига газетхонга ҳеч нарса бермайдиган, сийқа, конкрет факт ва мисолларсиз, умумий тарзда ёзилган мақолалар ёритиляптики, бу ҳол газета коллективининг ўз ишини қайта қуриб олишга ҳамон киришмаётганини тасдиқлайди. Масалан, газетанинг 6 февраль ва 11 март сонларида илмий атеизм уйининг лектори У. Каримуллаеванинг «Янги дастурлар — замонамиз кўрки» сарлавҳаси остида икки мақоласи босилган. Бироқ ҳар иккала материал ҳам бир хил мавзуда пала-партиш тайёрланган. Райкомнинг пропаганда ва агитация бўлими мудири Ж. Мояновнинг «Атеистик тарбияни талаб даражасига кўтарайлик» сарлавҳали мақоласига (16 октябрь) жуда катта ўрин берилганига қарамай, асосий мақсад — эскиликка қарши курашни шу кун талаблари билан узвий боғлаб олиб бориш вазифаси ўз аксини топмаган.

Газета саҳифаларида қишлоқ хўжалиги мавзуида берилаётган материаллар ҳам шошма-шошарлик билан тайёрланаётгани газетхонлар эътирозига сабаб бўлмоқда. Саҳифалар кўпинча ижобий ҳамда салбий фактлари таҳлил қилинмай, зерикарли тарзда ёзилган материаллар билан тўлдириляпти. Ана шундай материаллардан бири «Агросаноатнинг бош вазифаси» сарлавҳали мақоладир. Унда ғиж-ғиж рақамлар, мисоллар қалаштириб юборилган. Техника ремонти, бедачилик муаммолари бирма-бир санаб ўтилган-у, бироқ ана шу муаммоларни ҳал этиш учун нималар қилиш кераклиги четлаб ўтилган. «Ферма коллективининг ғайрати», «Молларни намунали қишлатайлик» сарлавҳали мақолалар ҳам шу тарзда ёзилган. Уларда қишловга пухта тайёргарлик кўрмаган хўжаликлар танқид қилинар экан, негадир бу ишга мутасадди бўлган раҳбарларнинг исми ва фамилиялари тилга олинмаган.

Районда асосий тармоқ — чорвачилик ҳамон қолоқ бўлиб турибди. Хўжаликларда уни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган нуқсонлар кўп. Қорамоллар, сигирлар бош сонини ошириш, бузоқ олиш планлари бажарилмаяпти. Гўштга топширилаётган қорамоллар вазни 310 килограмм ўрнига ўртача 252 килограммни ташкил этмоқда. «Аспантой», «Тўрткўл», «Қорақалпоқ» совхозлари эса гўшт тайёрлаш планларини мунтазам барбод бериб келмоқдалар. Аммо газета ана шу камчиликлар ва нуқсонларни фош этадиган мақолалар билан чиқмаяпти.

Газета район ҳаётининг долзарб муаммоларини кўтариб чиқмаётганига район партия комитетининг ўз матбуот органига етарли ёрдам кўрсатмаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Газета район марказидан 100 километр олисдаги Нукус шаҳрида «Правда» газетасининг 50 йиллиги» номли полиграфия комбинатида чоп этиляпти. Редакциянинг ижодий ходимлари у ерга ҳар куни қатнашга мажбур бўлмоқдалар. Бунинг устига газетани ўз вақтида чиқариш ва обуначиларга муддатида етказиб бериш учун Нукус шаҳрида ҳам, Бўзатов районида ҳам зарур шарт-шароитлар яратилмаган. Полиграфия комбинатининг биносидан ажратиб берилган бир хона эса тор қоронғи, кўримсиз ва тиқилинч. Редактордан тортиб, газета корректорларигача ҳамма шу ерда ишлайди.

— Очиғини айтсам, газета Нукус шаҳрида чиқарилаётгани учун уни изчил назорат қилиб боролмаяпмиз, — дейди район партия комитетининг секретари Л. Ережепова. — Бўзатов ва Нукус шаҳри орасидаги масофанинг жуда ҳам узоқлиги сабабли редакцияга боролмаяпмиз. Ҳатто газетанинг қай аҳволда чиқаётганидан ҳам бехабар қоляпмиз. Районда босмахона қурилиб ишга туширилмагунча газета ишини яхшилаш жуда ҳам қийин.

Бу газетага раҳбарликнинг сусайтириб юборилгани учун сабаб бўла олмайди. Райком ходимлари шу кун талабларидан келиб чиқиб, газета фаолиятини жонлантиришда, ишни тубдан қайта қуриб олишда баҳона эмас, имконият қидиришлари керак. Афсуски, амалда ана шундай бўлмаяпти. Газетанинг роли ва унинг жанговарлигини оширишга бефарқ қараш давом этмоқда. Ҳатто газета ишини яхшилаш юзасидан қабул қилинган қарорлар бажарилмай қолаётгани билан муроса қилиб келинаётгани кишини ажаблантиради. Райком бюросининг иш планида шу йилнинг август ойида бюро мажлисида газета фаолиятини муҳокама этиш планлаштирилган эди. Бироқ план қоғозда қолиб кетди. Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия, китоб савдоси ишлари давлат комитети раҳбарлари ҳам Бўзатов район газетасидаги ночор аҳволни эътиборга олиб, зарур амалий ёрдам кўрсатишни тезлаштиришлари лозим.

**Р. ЕШИМБЕТОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

